

Тошкент фармацевтика институти

Фармакогнозия кафедраси

Реферат

**МАВЗУ: “ДОРИВОР МАВРАК (SALVIA OFFICINALIS L.)
ЎСИМЛИГИ УРУҒИНИНГ ХОНА ВА ДАЛА
ШАРОИТИДАГИ УНУВЧАНЛИГИНИ АНИҚЛАШ”**

Бажарди: Қодирова М.

Фармация йўналиши 4 курс 3/1 гуруҳ

Илмий раҳбар: проф. Юлчиева М.Т.

Тошкент – 2014

- 1. Кириш**
- 2. Изланишнинг мақсади ва вазифалари**
- 3. Ботаник таърифи**
- 4. Амалий қисм**
- 5. Уруғларнинг лаборатория ва дала шароитида униб чиқиш кўрсаткичлари**
- 6. Хулоса**
- 7. Фойдаланилган адабиётлар**

Мавзу: “Доривор маврак (*salvia officinalis* L.) ўсимлиги уруғининг хона ва дала шароитидаги унувчанлигини аниқлаш”

**Қодирова М.
4 курс, 3/1 гуруҳ, фармация йўналиши**

I. Кириш

Доривор ўсимликларни республикамизнинг суғориладиган минтақаларида экиб ўстириш, уларнинг биологияси ва унувчанлигини ўрганиш, фармацевтика саноатини сифатли ва экологик тоза ҳомашё билан таъминлаш мутахассислар олдида турган долзарб масалалардан ҳисобланади.

Тиббиётда мавракнинг барги ишлатилади. Таркибида эфир мойи, флавоноидлар, урсол ва олеанол кислоталар, ошловчи ва бошқа моддалар бор. Маврак баргининг препаратлари буриштирувчи, дезинфекцияловчи ва яллиғланишга қарши дори сифатида юқори нафас олиш йўллари касалликларида оғиз ва томоқ чайқаш учун қўлланилади. Эфир мойидан доришунослик амалиётида суюқ дори шакллариининг хид ва таъмини яхшилашда фойдаланилади.

Маврак барги томоқ, ошқозон касалликларида ва қорин оғриғини қолдиришда ишлатиладиган чойлар таркибига киради.

Шунинг учун ўсимликни экиб ўстириш, улар устида фенологик кузатишлар олиб бориш, биологиясини ва дориворлик хусусиятларини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

II. Изланишнинг мақсади ва вазифалари

- Доривор маврак ўсимлигининг морфологик, биологик ва дориворлик хусусиятлари кўрсатилган адабий манбаларни ўрганиш.
- Интернет маълумотлари билан танишиш;
- Уруғларни хона ва дала шароитида унувчанлигини ўрганиш.

- Қўйилган тажрибалар асосида ўсимлик уруғини униб чиқиш даражасини аниқлаш ва тегишли хулоса чиқариш

III. Ботаник таъриф

Доривор маврак (*salvia officinalis* L.) – лабгулдошлар (Labiatae) оиласига мансуб бўлиб, кўп йиллик ўт ёки чала бута. Пояси 20 – 70 см., 4 қиррали, барглари оддий, қарама – қарши жойлашган кулранг – яшил, узунлиги 8 – 10 см. бўлиб бужмайган. Тўпгули йирик, рўваксимон. Гуллари икки лабли, оч пушти, бинафша ва оқ рангда. Меваси ёнғоқча.

Июн – сентябрь ойларида гуллаб уруғлайди.

Географик тарқалиши: Қрим, Кавказ ва Ўрта Осиё чўлларида ҳамда тоғларнинг қияликларида ўсади. Юқори сифатли, қимматбаҳо эфир мойи олиш учун Молдавия, Украина ва Краснодар ўлкасида экилади.

IV. Амалий қисм

Уруғларнинг унувчанлиги экишга яроқлилигини белгилайдиган энг муҳим хусусиятларидан биридир. Уруғларнинг унувчанлиги экиннинг қалинлигига, ўсимликларнинг бир йўла яхши ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Лаборатория шароити энг қулай бўлганлиги учун уруғларнинг унувчанлиги даладагига қараганда доимо юқори бўлади.

Шундай бўлса ҳам, уруғларнинг лабораторияда аниқланган унувчанлиги экишга яроқлилик сифатларини етарлича яхши ифодамайди.

Доривор маврак ўсимлиги уруғларининг унувчанлигини аниқлаш учун ГОСТ 203666 ва М.К. Фирсова (1969) усулидан фойдаланилади.

Ўсимлик уруғларининг лаборатория шароитида унувчанлигини аниқлаш мақсадида, Петри ликобчасига дистилланган сув билан намланган фильтр қоғоз қўйилиб, унинг устига 100 донадан уруғ солинади ва хона шароитида 4 карра такрорланган ҳолда ўстириб кўрилади. Бу вақтда хона харорати 20-25 °С ни ташкил қилар эди.

Кузатувларнинг 3 куни (7.02.12 й) униб чиққан уруғлар 6% ни ташкил қилган бўлса, 12 – куни (16.02.12 й) 86,5 % га етди (1-жадвал). Қолган унмайдиган уруғлар ҳам ҳисоблаб чиқилди.

Уруғларнинг дала шароитидаги унувчанлигини аниқлаш учун ўсимлик уруғларидан 100 донадан 4 карра такрорлаш асосида 1-2 см чуқурликда экилди. 2 – жадвалдан кўриниб турибдики, уруғлар экилгандан сўнг 10 кун ўтгач униб чиқди ва (26.04.12) да 79,2 % ташкил қилди.

Шундай қилиб доривор маврак ўсимлигининг уруғининг хона шароитидаги унувчанлиги 12 кунда 86,5 % ни ташкил қилди. Уруғларнинг дала шароитидаги унувчанлиги 79,2 % бўлиб, хона шароитидагидан 1,1 баробар камдир.

**Доривор маврак ўсимлиги уруғининг хона шароитида униб
чиқиши кўрсаткичлари
04.02.12.**

Тажриба вариантлари	4.02.	6.02.	7.02.	8.02.	9.02.	10.02.	11.02.	13.02.	14.02.	15.02.	16.02.
1	-	0	5	16	32	51	64	82	88	89	89
2	-	3	8	19	36	57	72	76	82	83	84
3	-	3	6	18	33	54	68	80	90	91	91
4	-	2	5	16	31	50	72	74	80	81	82
Ўртача	-	2	6	17,2	33	53	69	78	85	86	86,5

**Доривор маврак ўсимлиги уруғининг дала шароитида униб
чиқиши кўрсаткичлари
23.03.12.**

Тажриба вариант- лари	3.04.	4.04.	5.04.	6.04.	7.04.	9.04.	11.04.	13.04.	16.04.	18.04.	20.04.	26.04.
1	2	7	11	29	37	42	52	62	70	78	80	80
2	3	8	10	28	39	40	44	58	68	80	84	85
3	5	8	11	24	35	36	42	60	64	70	74	76
4	2	5	9	26	33	34	46	56	62	72	74	76
Ўртача	3	7	10,2	27	36	38	46	59	66	75	78	79,2

Хулоса:

1. Ўсимлик уруғларининг хона шароитидаги унувчанлиги 86,5% ни ташкил этди. Уларнинг униб чиқиши учун оптимал хона харорати 20-25 °С деб қайд этилди.
2. Уруғларнинг дала шароитидаги унувчанлиги 79,2 % ни ташкил этиб, бу хона шароитидагидан 1,1 баробар камдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Фирсова М.К. Семенной контроль М., 1969 г. 295 с.
2. Холматов Х.Х., Аҳмедов Ў.А. “Фармакогнозия” Т., Ибн – Сино нашриёти 1995 й., 544 – 545 б.